



25/24

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давргеодезкадастр қўмитаси раиси
ўринбосари



М.И.Рузметов

“ 08 ” январ 2018 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

“ 08 ” январ 2018 йил

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди: М.И.Рузметов - қўмита раисининг
ўринбосари**

Қатнашганлар: Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қашқадарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Ж.Усмонов, корхона ва ташкилот раҳбарлари, юридик бўлим бошлиғи, девонхона ходими ва бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 153-сонли “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қашқадарё вилояти давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳамда Китоб ва Яккабоғ давлат ўрмон хўжаликлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2966-сон қароридаги ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги роли ва масъулияти тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш ҳақида.

2. Бошқа масалалар.

(Рузметов, Алимов, Нормўминов, Исаметдинов, Усмонов, Рузметов)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 153-сонли “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қашқадарё вилояти давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳамда Китоб ва Яккабоғ давлат ўрмон хўжаликлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2966-сон қароридаги ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга

оширишдаги роли ва масъулияти тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Давергеодезкадастр кўмитаси ва унинг Қашқадарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Кун тартибида муҳокама қилинган масалалардан келиб чиққан ҳолда йиғилиш, **қарор қилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 153-сонли “Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Қашқадарё вилояти давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳамда Китоб ва Яккабоғ давлат ўрмон хўжаликлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2966-сон қароридаги ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги роли ва масъулияти тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ер тузиш бошқармаси (Алимов), Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси (Нормўминов), Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиқларига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўрмон хўжалиги кўмитаси билан биргаликда:

2018 йилнинг 1 мартига қадар республика туман (шаҳар)ларидаги ўрмон хўжаликлари ва ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиш;

ўрмон фонди ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний равишда фермер хўжаликлари ва бошқа фойдаланувчиларга бериб юбориш ҳолатларини бартараф этиш бўйича барча зарурий чораларни кўриш;

давлат захира ерларининг ўрмон ва доривор ўсимликлар мавжуд бўлган ер майдонларини ўрмон фондига тўлиқ ўтказиб бериш ҳужжатларини расмийлаштириш чораларини кўриш;

бир ой муддатда ўрмон фонди ер майдонларини суғориш таъминоти ва мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ер майдонларини фойдаланиладиган ерлар оборотига қайта киритиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган манзилли Дастурни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

шунингдек мавжуд юридик ҳужжатларга асосан ер ҳисоботларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Кун тартибида кўрилган масалаларни бажарилишини назорат қилиш Ер тузиш бошқармаси бошлиғи А.Х.Алимов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Ў.Сафаров